

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ЭМПИРИК ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

*Исматова Дилафруз Туймуратовна.,  
БухДУ, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

БМТнинг Таълим, Фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, жаҳонда минглаб ўсмирларда эмоционал бузилишлар орқали турли кўринишдаги салбий ҳолатлар кузатилмоқда<sup>1</sup>. Оиладаги эмоционал зўриқишлар, ўз навбатида, ўсмирларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг таълим-тарбия жараёнида бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўсмир ижтимоий жараёнларнинг фаол аъзоси сифатида камол топар экан, унинг ижтимоий-психологик тасаввурлари ва идрокени шакллантириш, баҳолаш, таълим-тарбия муҳим омил сифатида хизмат қилиши, ўсмирларнинг шахслараро муносабатга, ҳаётий вазифаларини белгилашдаги шунингдек, ижтимоий ролини аниқлаш зарурати кузатилмоқда.

Тадқиқотда ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида учрайдиган турли даражадаги зўриқишларни коррекциялашга қаратилган тренинглари дастури ва ҳамда оилада кузатиладиган салбий ҳиссий-эмоционал ҳолатларни бартараф этишга мўлжалланган. Шу аснода олиб борилган илмий-амалий тадқиқотларимизнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, мазкур тренинг дастури мақоланинг самарадорлигини белгилайди.

Мақолада қўлланилган махсус психологик коррекцион дастуримиз иккита босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда ота-оналар билан, иккинчи босқичда эса ўсмирлар билан психологик тренинг машғулоти ўтказилди. Шунингдек, тренинг дастури тадқиқотда ота-оналарнинг фарзандларини тушуниши, ўзаро биргаликдаги ҳаракат қилиши, улар ўртасида турли ҳолатларни тўғри англай олишга ёрдам беради.

**1-жадвал**

### Коррекцион-тренинг машғулоти дастури

№	Машғулоти номи	Машғулоти вазифалари
1.	«Кириш қисми»	Гуруҳ аъзолари билан танишиш, бегоналик ҳиссини камайтириш, адаптация, ҳиссий-эмоционал зўриқишни бартараф этиш, стресс ҳолатлари ҳақида дастлабки маълумотлар.
2.	«Оила аъзоларининг эмоционал ҳолатларини шакллантириш»	Гуруҳдаги ҳар бир ота-она ва ўсмирнинг эмоционал зўриқишлари диагностикаси, ўзини ўзи ҳиссий жиҳатдан назорат қилиш, коррекция ишларини амалга ошириш
3.	«Гуруҳда ишлаш қоидаларидан хабардор қилиш»	Ўзаро биргаликдаги ҳаракат қоидалари юзасидан гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълумотга эга бўлишини таъминлаш
4.	«Аттракция»	Тренингнинг ҳар бир аъзосида ўзини ўзи баҳолаш даражасини кўтариш
5.	«Оила аъзоларининг ўзаро бир-бирини тушуниши»	Оиладаги эмпатия ҳолатини ривожлантириш

<sup>1</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/childcon.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml)

№	Машғулот номи	Машғулотнинг вазифалари
6.	«Машқлар юзасидан мунозаралар қилиш ва натижаларни умумлаштириш, хулосалар қилиш»	Тренинг қатнашчиларидаги ўзини ўзи адекват баҳолашини шакллантириш
7.	«Гуруҳ аъзолари билан хайрлашув»	Гуруҳ аъзолари билан биргалик ҳиссини мустаҳкамлаш, эмпатияни ривожлантириш

Энди мазкур тренингларни олиб боргандан кейин олинган натижалар таҳлиliga ўтамиз. Ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борилган коррекцион дастурлардан сўнг олинган натижаларнинг қиёсий статистик таҳлилини кўриб чиқамиз.

## 2-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳларида ўсмирлар орасида ижтимоий вазиятга боғлиқ шахсий безовталиқ даражаси намоён этилишининг қиёсий статистик натижалари (n=370)**

Респондентлар	Омиллар	Экспериментдан олдинги кўрсаткичлар		Экспериментдан кейинги кўрсаткичлар		Тафовутнинг статистик аҳамияти	
		M1	S1	M2	S2	t	p
Тажриба гуруҳи n1=180	мактабдаги ўқув жараёни	17,2	6,1	22,7	3,3	2,35	P<0,02
	ўзини ўзи баҳолаш	19,6	9,8	22,2	5,1	2,61	P<0,06
	шахслараро муносабат	12,9	6,1	18,1	3,1	2,14	P<0,00
Нazorат гуруҳи n2=190	мактабдаги ўқув жараёни	16,8	7,3	17,3	6,4	7,35	P≥0,11
	ўзини ўзи баҳолаш	18,5	11,3	19,1	8,9	6,61	P≥0,64
	шахслараро муносабат	11,6	5,2	12,9	6,1	6,14	P≥0,23

Энди бевосита тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган ўсмирларнинг ижтимоий вазиятларга боғлиқ шахсий безовталиқ ҳолатининг қиёсий-статистик кўрсаткичлар таҳлиliga ўтамиз. Тренинг машғулоти таъсири натижасида улардаги безовталиқ ҳолатининг ўзгариши ёки ўзгармасдан қолишини кузатиш мақсадида қўлланилган Стьюдент мезони бўйича қайд этилган натижалар таҳлиliga тўхталамиз.

Келтирилган натижаларда «Мақтабдаги ўқув жараёни» омилли тажриба гуруҳида аҳамиятли даражада ошганлигини кўришимиз мумкин. Яъни бу кўрсаткич тажрибагача M1=17,2 ни ташкил этган бўлса, тажрибадан сўнг эса M2=22,7 ни ташкил этганлиги билан характерланади (P<0,02). Назорат гуруҳида эса ушбу омил бўйича натижалар 16,8 дан 17,3 гача (P≥0,11) ошганлигини кўришимиз мумкин. Бундай кўрсаткичлар ўсмирлар ҳаётидаги эмоционал зўриқишларни келиб чиқишида нафақат оилавий шахслараро муносабат жараёнларида, балки мақтабдаги ўқув

жараёни ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бизнингча, ўсмирлардаги оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда бевосита мактаб ҳаётининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Навбатдаги мезон «Ўзини ўзи баҳолаш» деб номланиб, ушбу мезон бўйича тажриба гуруҳида экспериментдан олдин  $M1=19,6$  бални экспериментдан сўнг  $M2=22,2$  бални, назорат гуруҳида эса мазкур мезон бўйича экспериментдан олдин  $M1=18,5$  бални, экспериментдан сўнг  $M2=19,1$  бални ташкил қилди. Бизга маълумки, шахс ҳаёти давомида бирор бир фаолиятни бажариш жараёнида, албатта, ҳаракатлар тизимини назорат қилиш ва бошқариш талаб этилади. Ўтказилган машғулотлардан сўнг ўсмирларда ўз хатти-ҳаракатларини ўз олдига қўйган мақсадга мувофиқ тарзда йўналтира олиш қобилияти сезиларли даражада ошганлигини яққол кузатишимиз мумкин. Албатта, бундай ҳолатлар ўсмирларга оилавий муносабатларда ўзини ўзи тўғри баҳолашга, ўзида юз бераётган ҳиссий-эмоционал ҳолатларни адекват идрок этиш ва самарали шахсларо муносабатларни ташкил этишда муҳим омил саналади.

Кондаш методининг сўнгги омили «Шахсларо муносабат» асосида олинган натижалар таҳлили бўйича экспериментдан олдин тажриба гуруҳида  $M1=12,9$  ни ташкил қилган бўлса, экспериментдан кейин эса 18,1 бални қайд этди ( $P \leq 0,00$ ).

Назорат гуруҳида эса ушбу омил бўйича 11,6 дан 12,9 балга ошганлигини кўришимиз мумкин. Демак, юқоридаги эмпирик таҳлиллар асосида шундай илмий хулосаларга келиш мумкинки, ўсмир ёшидаги шахсларнинг ҳиссий-эмоционал соҳасини тадқиқ этиш орқали нафақат уларни таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, балки, уларнинг оиладаги шахсларо муносабатларини психологик коррекциялашда муҳим аҳамият касб этади.

### 3-жадвал

#### «Ота-оналик ролига установкаси ва муносабатини аниқлаш» методи орқали олинган натижаларнинг қиёсий-статистик кўриниши (n=104)

Мезонлар	Экспериментдан олдин		Экспериментдан кейин		Фарқланиш	
	M	S	M	S	t	p
Ўта ғамхўрлик – ота-она ғамхўрлигининг сезилмаслиги	14,8	3,4	10,1	0,4	4,7	0,01
Оилавий ролларга муносабат	11,1	1,9	14,1	0,46	3,6	0,03
Бола билан оптимал эмоционал мулоқот	12,5	1,9	17,1	0,45	5,1	0,00
Эр-хотинлик муносабатлари	12,1	2,7	15,6	0,55	3,2	0,02

Мақолада қўлланилган «Ота-оналик ролига установкаси ва муносабатини аниқлаш»га мўлжалланган PARI методи орқали олинган натижаларнинг қиёсий-статистик таҳлилларини кўриб чиқамиз. Тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ота-оналарнинг оиладаги ролига бўлган муносабат мотивациясининг кўрсаткичлари турли хил даража ва кўринишда эканлиги яққол намоён бўлди. Тадқиқотимиз давомида олинган ҳар бир натижада ижтимоий-психологик қонуниятлар ўз тасдиғини топди. Бу қонуниятларнинг тасдиқланганлиги шундан далолат берадики, ўсмирларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари, шахсларо муносабатлари, кўникма ва малакаларининг динамикасини яққол ифода этган.

Олинган эмпирик маълумотларнинг аҳамияти шундаки, тажриба гуруҳларидан олинган натижалар асосида муайян даражадаги самарадорликка эришилди. Тадқиқотимиз давомида олиб борилган назарий ва эмпирик таҳлилларимиз натижасида ота-оналар ва уларнинг фарзандлари билан бўладиган муносабатларини тўғри ташкил этишда ва шу асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Рағи методининг «Ўта ғамхўрлик–ота-она ғамхўрлигининг сезилмаслиги» деб номланган дастлабки омили бўйича натижалар 14,8 дан 10,1 гача (статистик фарқ 0,01) тафовут мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ушбу омил бўйича ота-оналар фарзандлари билан бўладиган муносабатларнинг тўғри ташкил этилиши оилада ўрнатилган меъёрлар асосида мулоқот қилиш, ижобий муносабатда бўлиш каби ҳолатларни кўришимиз мумкин. Кейинги «Оилавий ролларга муносабат» деб номланган омил бўйича натижалар 11,1 дан 14,1 гача (статистик фарқ 0,03) ошганлиги кузатилди. Ушбу омил бўйича таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, ота-оналарнинг оилавий ролларга бўлган муносабати, боланинг қизиқишлари ва оилавий кадриятларга бўлган муносабати юқори даражада шаклланганлигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Shoumarov G\ B., Shoumarov Sh. B. Muhabbat va oila.— Toshkent, Ibn Sino», 1994. — 120 b.
2. Akramova F.A. Ф.Ф.О‘zbekistonda oilaviy psixologik xizmatning ijtimoiy-psixologik muammolari.Avtoreferat (DSc).Toshkent.2022.
3. Akramova F. A., Abdullayeva R. M. O ilaviy hayotni o ‘rga- ' hga oid psixologik testlar. T.: «Sham s ASA», 2002. — 58 b. 12.
4. Akramova F. A., Abdullayeva R. M. Oilaviy hayotga oid psixologik tavsiyalar. T.: «Shams ASA», 2002. — 63 b.
5. Akramova F. A. Insoniy m unosabatlar psixologiyasi. T.: «Shams ASA», 2005. — 68 b.
6. F.F. Ganjiev. [The basis of social and psychological adaptation of children in the conditions of preschool education](#). Bulletin of integrative psychology. Journal for psychologists, 59-64.

#### TALABALARDA MA’NAVIY AXLOQIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MASALASI

*Numonova D.U.,  
NavDPI, falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent  
Nazarova M.A.,  
NavDPI magistranti*

**Annotatsiya.** Maqola ilm, odob,ibrat, axloqiy fazilatlar, iqtidor, ma’naviyat, ma’rifat, motivatsiya va shaxs axloqiy fazilatlarga ta’siri tahlil qilingan, bilish faolligini rivojlantirishga yordam beraadi.

**Tayanch so‘zlar:** odob,ibrat, axloqiy fazilatlar, iqtidor, ma’naviyat, ma’rifat, motivatsiya va shaxs axloqiy fazilatlarga ta`siri tahlili.

**Аннотация.** В данной статье проанализировано влияние единства наука и учение на духовные качества личности и сделаны соответствующие выводы.Профессиональной ориентации образование и будут заниматься профессиональной деятельностью.

**Ключевые слова:** профессиональной ориентации, профориентация, профессиональный деятельностью, мотивация, профориентационная консультация.

<i>Исмамова Д.Т.</i>	Оилавий муносабатларда эмоционал зўриқишларни коррекциялашнинг эмпирик тадқиқ этилиши	179
<i>Numonova D.U., Nazarova M.A.</i>	Talabalarda ma'naviy axloqiy sifatlarni rivojlantirish masalasi	182
<i>Numonova D.U., Ruzimurotova U.X., Xamdamova Z.X.</i>	Dars – o'quvchilarni kasbga yo'naltirish vositasi sifatida	185
<i>Narzieva M.</i>	Globalashuv sharoitida bolalarni tolerantlik ruhida tarbiyalashning ahamiyati	189
<i>Asatova D.A.</i>	Ta'limda talabalarda rahbarlik sifatlarini rivojlantirishning o'rni	191
<i>Kozimova D.</i>	Zamonaviy o'qituvchi va o'quvchilar orasidagi o'zaro munosabatlar	193
<i>Мансурова С.Р.</i>	Мактабгача ёшдаги болаларнинг гендер фарқлари ва ўзига хосликларини инобатга олиб ўқитиш: муаммо ва ечимлари	196
<i>Bobomurodova S.A.</i>	Ilk bolalik davridagi psixik o'sish	203
<i>Faragatova M.T.</i>	Umumta'lim maktablarida inklyuziv ta'limni joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari	204
<i>Shavqiyeva Ch.B.</i>	O'quvchi yoshlarni kasbga yo'naltirishda zamonaviy ta'lim metodlarining ahamiyati	206
<i>Negmatova D.A.</i>	Bola tarbiyasida milliy qadriyatlarning ahamiyati	210
<i>Jumayeva G.J.</i>	Oilada yoshlar mehnat orqali estetik tarbiyalash	212
<i>Hamidova Z.I.</i>	O'quvchi qizlarni mustaqil oilaviy hayotga tayyorlashda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish	213
<i>Ro'ziyeva M.A.</i>	Umumiy o'rta ta'lim fanlarini o'qitishda "ustoz – shogird" xarakterni isloh qilish	215
<i>Xo'jamova M.A.</i>	Pedagog-xodimlarning boshqaruvda psixologik ijodiy faoliyati	217
<i>Niyozova M.I.</i>	Kasb tanlashda ijtimoiy-psixologik xususiyatlarning o'rni	219
<i>Abduraxmonova Z.A.</i>	O'quvchilarini kasb-hunarga yo'naltirish ishlarini samarali tashkil etish	223
<i>Rustamova N.</i>	Maktab jamoasida sog'lom psixologik muhit yaratish	226

#### 5-SHO'BA: TA'LIMDA AQLIY RESURSGA AHAMIYAT, BAHOLASH VA SIFAT KO'RSATKICHI MASALALARI

<i>Qosimov U.A.</i>	Til o'rganishda neyrolingvistik dasturlash imkoniyatlaridan samarali foydalanish	228
<i>Turaxonov A.E.</i>	Innovatsion rahbar faoliyatida boshqaruv malakalari namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixologik o'ziga xosliklari	229
<i>Pulatov J.N.</i>	Inson barqaror taraqqiyotining muhim omillari va ularning ahamiyati	232
<i>Elov Z.S.</i>	Psychological mechanisms of determining and correlating motivation for suicidal tendencies in adolescents with deviant behavior	236